ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ

**Н.Ерлепесовга**
**А.Отеулиевга**
**Е.Аташовга**
**Д.Кайповга**
**Р.Зарикеевга**
**А.Данияровга**
**М.Ахмедовага**
**Р.Нуразизовга**
**А.Исмаиловга**
**Б.Сапаровга**
**Р.Рисназаровга**
**А.Иматовга**
**Адлия вазирлиги (С.Мамбеткадыров)га**
**Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига (рўйхат бўйича)**
**Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига**

ЎзРнинг 2023 йил 17 мартдаги ЎРҚ-824-сон Қонуни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Бажарувчи: О.Сапаров
Котибият, гуруҳ, бўлим мудирлари
Назорат: А.Жолдасов

№ 3/206 **Ф.ЭРМАНОВ**
**23.03.2023й.**

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
DEN SAWLIQTI SAQLAW
MINISTRLIGI
KIRIS № 08/291
« 25 » 03 2023 ј.

У. Дахеи

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
# BOSH VAZIRI

**Адлия вазирлиги** (Ташкуловга),
**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (Кудбиевга),
**вазирлик ва идоралар** (рўйхат бўйича),

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди –**
маълумот учун

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида” 2023 йил 17 мартдаги ЎРҚ–824-сон Қонуни **ижро учун қабул қилинсин.**

2. **Бир ой муддатда:**

қонунчилик ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилиши;

вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Қонунга мувофиқ қайта кўриб чиқилиши таъминлансин.

Д.Каландаровга
М. Якубовга, Ш. Ражаббаевга

**А. Арипов**

2023-yil «18» mart
№ 12/1-524 18.03.2023 й.

УМУМИЙ БЎЛИМ № 2
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

3/206 3
23 март 23

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING
# QONUNI

## «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 25 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кучайтириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга давлат хизматларини кўрсатиш чоғида жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилинишини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан фуқаролар томонидан давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга аризалар (шикоятлар) берилган тақдирда, давлат божини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида тўлаш имконияти назарда тутилмоқда.

Мазкур Қонунда таклиф этилаётган норма фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар) **иловаси 3-бандининг изоҳи** қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
KEL. 1-524 2023-yil 18 03



*«Фуқаролар давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судларга мурожаат қилганда ушбу банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган давлат божини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида тўлайди. Бунда давлат божининг қолган қисми қонунда белгиланган тартибда ишни кўриш натижалари бўйича ундирилади».*

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** — **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри,
2023 йил 17 март
№ ЎРҚ–824

QARAQALPAQSTAN RESPUBLİKASI DEN SAWLIQTI SAQLAW MİNİSTRLİGİ
QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI SOG'LI[illegible] SAQLASH VAZIRLIGI
"28" 03 2023 j/y.
№ 01/2103
NO'KIS q. NUKUS sh.

Республика даволаш-профилактика муассасалари, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига

Сизга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил 23 мартдаги 3/206-сонли хатида хатида Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 17 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-824-сон Қонуни маълумот ҳамда ижро учун юборилмоқда.

***Илова қилинади**: ҚР ВКнинг 2023 йил 23 мартдаги 3/206-сон хати “___”-варақда.*

**Вазир** **М.И.Курбанов**